

ЛАВҲА ЖАНРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ АКСИ

Марзияев Ж.К.

Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация. Мазкур мақола бадий публицистик жанрлар таркибидаги лавҳа жанр тўғрисида кенг турда сўз этилади. Шунинг билан бирга жанр хусусиятлари келтирилади. Ва унинг маҳаллий матбуотдаги таҳлили ўрганилади.

Калит сўзлар. Лавҳа, жанр, бадий-публицистика, хусусият, мавзу, нашр.

Аннотация. Данная статья посвящена жанру зарисовка в художественно-публицистических жанрах. При этом представлены жанровые особенности. И изучается его анализ в местной прессе.

Ключевые слова. Зарисовка, жанр, художественная публицистика, особенность, тема, публикация.

Annotation. This article is devoted to the sketch genre in artistic and journalistic genres. At the same time, genre features are presented. And his analysis is being studied in the local press.

Keywords. Sketch, genre, artistic journalism, feature, theme, publication.

Лавҳа – бадий публицистика жанрлари ичидаги ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, у араб тилидан кириб келган ва бизнинг тилда бирор нарса ёзилган тахтача, кўриниш, манзара маъноларини англатади. Лавҳада бирорта объектнинг ёки субъектнинг табиий ҳолати тасвирланиб, шу орқали унинг манзараси, кўриниши намоён бўлади. Лавҳа жанрининг вазифаси “ҳаётдаги бирор факт, воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар бериш, ўқувчига таништиришдан иборатдир. Шу билан биргаликда лавҳа оддий информациядан, хабардан фарқ қилиб, воқеа ва ҳодисаларни кенгроқ тасвирлаш, ҳаётдан олинган бир кўринишни, кишилар фаолияти ҳақидаги муайян бир маълумотларни ўқувчи кўз ўнгига жонлантириб бериш, тасаввур ҳосил қилишдан иборат мақсадга хизмат қилади”[1; 185]. Лавҳа жанри матбуот нашрларида жуда кўп қўлланиладиган жанрлардан саналади.

“Аму тонги” нашрининг 2004 йил 20 март №13-14 (556-557) сонидан чоп этилган «Оқмангит»нинг бугунги қиёфаси» [2; 2004. 20 март] номли лавҳада эса Нукус тумани ёритилади. Яъни лавҳа бошида Нукус туманининг умумий манзарасига тўхталиб, кейин тумандаги «Оқмангит» шаҳарчасининг умуман қиёфасига тўхталади. Масалан, туманнинг ижтимоий–сиёсий соҳасидаги амалга оширилаётган ва тумандаги аҳолига хизмат кўрсатиш ўринлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Сўнг шаҳарчадаги 1–сонли мактабнинг бугунги манзараси тасвирланган. Бу тўғрисида шундай дейилади: «Кенг, ёруғ синф хоналари, замонавий спорт зали, футбол, волейбол, минифутбол, баскетбол майдончалари кишининг завқини келтиради. Айрим жойларда

бўлганидек, спорт залининг эшигига қулф осилиб, турли тadbирлар ва мусобакалар пайтидагина очилса керак, деб ўйловдик. Лекин кутганимиздек бўлиб чиқмади».

Кўриниб турибдики, мазкур лавҳада муаллиф А.Ортиқбоев мактабнинг маназарасини очиб беради.

"Бахтли"нинг йўли ойдин" [2; 2005. 28 июль] сарлавҳали лавҳада эса, муаллиф Ғ.Ёқубов Кегайли туманидаги «Бахтли» фермер хўжалигидаги амалга оширилаётган ишлардан лавҳалар беради. Муаллиф лавҳада фермер хўжалиги раисини «Бошига панама–қалпоқ кийиб олган Назберган Ерлеспесов прицепли «Т – 28» тракторини баландроқ жойга – ариқ бўйига қўйиб, биз билан мулоқатга киришиб кетди» деб тасвирлаб қаҳрамонининг характерларини очиб беради.

Ушбу юқорида келтирган мисоллардан кўришга бўлади, лавҳаларда таҳлил, танқид хусусиятлари бўлмаслиги ҳам мумкин.

Демак, лавҳаларда муаллиф юз берган воқеа ва ҳодисаларнинг табиий ҳолатини тасвирлаб беради. Бунинг учун ҳам муаллифдан маҳоратлилиқ талаб қилинади. Ушбу жиҳатлари билан лавҳа жанри рассомларнинг яратган асарига яқин келади. Лекин рассом яратган асарни кўз билан билан кўришга бўладиган бўлса, матбуотдаги публицист яратган асарни эса, газета ўқувчиси ўқиш орқали воқеа ва ҳодисаларни ўз ҳаёлида тасвирлайди. Сўнгра ўзича фикр юритишга ундайди. Яъни жамиятда ижтимоий фикр шакллантиришга, ўйготишга асос бўлади.

Шу билан бирга лавҳаларда меҳнат жамоаларида олдинги ишчилар ёки ўзининг ижобий ишлари билан аҳоли кўзига тушган инсонлар ҳам акс этилиши мумкин. Масалан, «Тонг саҳарда Қурбонгалийнинг атизида» [3; 2005. 2 июль] номли лавҳада лавҳа қаҳрамони Қурбонгалийнинг ишлари тўғрисида шундай деб ёзади: «Қурбонгалийнинг ўйидан 300 қадам орқада катта асфальт йўл ўтиб тур. Унинг икки бўйидаги қатор қўнган ўйларга чирой берган мевали боғларга, гулдан горекга ўтирган пахта атизларига қараб, моҳир рассом чизган ажойиб расм кўргандек кўзингни ола олмай қараб тура берасанг». Муаллиф унда фермер хўжалиги раиси Қурбонгалий томонидан амалга оширилган ишларни сўз билан тасвирлаб беради. Шу билан бирга муаллиф Е.Ерманов қаҳрамоннинг ўзи фермер хўжалиги раиси бўлганига қарамасдан дала ишларида ўзи тинмай юрганининг гувоҳи бўлганлигини лавҳада тасвирлайди. Шуниндек, мазкур муаллиф Е.Ермановнинг «Ота касбини танлаган чўпон» [3; 2007. 24 февраль] номли лавҳасида ҳам ёш чўпон К.Шатанов фаолиятдан лавҳалар беради. Ушбу лавҳада қаҳрамоннинг ёйловда от устида қўй боқиб юрган ва алоҳида ўзининг яқиндан тушган сураатлари ҳам берилган. Унда ушбу сураатлар орқали мавзунини очиб берган.

Шу ўринда айтиб жоизки, қорақалпоқ матбуотидаги ёритилаётган лавҳаларнинг ўзига хос томонларидан бири – сураатли лавҳалардир.

Сураатли лавҳалар лавҳа таъсирчанлигини орттиришда алоҳида аҳамият касб этади. Унда лавҳаларда тасвирланган факт, воқеа ва ҳодисаларнинг манзараси очиб берилиб, ёритилган воқеа ва ҳодисаларнинг ёки

тасвирлаётган қаҳрамоннинг иш жараёнидаги суратлари берилади. Суратли лавҳалар лавҳада келтирилган фикрларни, фактларни тасдиқловчи асосий факт саналади. Масалан, «Суратли лавҳа» рукни остида чоп этилган ««Найман» далаларида» [2; 2005. 15 сентябрь] номли лавҳада Хўжайли туманидаги «Найман» фермер хўжалигидаги кўзги пахта йигин–терим ишларининг жадал олиб борилаётганликларини тасвирлаган. Лавҳадаги битта суратда ўрта ёшлардан ўтган аёлнинг, биттасида ёш қизнинг пахта далаларида пахта териш жараёнидаги сурати, биттасида тумандаги пахта қабул қилиб олувчи пунктидаги баланд пахта хирмонлари ва биттасида эса иш жойида столда коғоз, хужжатлар билан шугулланиб ўтирган икки киши суратлари берилган. Яъни жами бўлиб бир лавҳада тўртта сурат берилади. Бу мазкур фермер хўжалигида амалий ишларнинг қизгин давом этаётганидан далолат беради. Шу билан бирга лавҳада муаллиф Р.Қозокбоев шундай деб ёзади: «Туманда кунлик ўсимда пешқадамлик қилаётган мазкур жамоа заршунослари кунни кеча пахта тайёрлаш йиллик режасини ортиги билан бажардилар».

Умуман олганда, лавҳаларда ижтимоий ҳаёт тасвирланиб, унда мавзуни очиб беришда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда адабиётнинг шунингдек, фотосурат ва расм усуллари билан кенг фойдаланади. Лекин лавҳалар ўз хусусиятларини сақлаб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2008. – Б. 185.
2. «Аму тонги» газетаси
3. “Еркин Қарақалпақстан” газетаси
4. Marziyayev J. K. Use of information genres in the print of Karakalpakstan //Science and Education in Karakalpakstan. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 27.
5. Marziyayev J. K. The role of the language of the branch newspapers of Karakalpakstan in the development of media linguistics //ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (118). – 2023. – С. 529-533.
6. МАРЗИЯЕВ Ж. К., Нукус Қ. ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.
7. Marziyayev J. K. ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В КАРАКАЛПАКСКОЙ ПРЕССЕ //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 65-73.
8. Марзияев Ж. К. Экология в каракалпакской публицистике //Диалог культур в медиaprостранстве. – 2021. – С. 109-113.
9. Марзияев Ж. К. Информационная безопасность личности в процессе глобализации //В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ. – 2017. – Т. 165.
10. Марзияев Ж. К. Роль и место публицистических жанров в современной каракалпакской печати //Вестник Челябинского государственного университета. – 2012. – №. 6 (260). – С. 86-89.